

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Каримов Тўлқин Пайзиевич – сиёсий фанлар номзоди. Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби мустақил изланувчиси.

Ўзбекистон Республикасида парламент назорати институтининг ҳуқуқий асосларини миллий қонунчиликдаги ривожланиш даври ёритилади. Давлат қурилиш ва бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларда асосий ўрин тутган парламентаризмни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни босқичларга бўлган холда таҳлил этилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқий давлат, қонун устиворлиги, парламент, парламент назорати, жамоатчилик назорати, ислоҳот, сиёсий тизим, сайлов тизими, ижтимоий барқарорлик, ҳуқуқий ва конституциявий нормалар.

Освещен период развития правовой основы института парламентского контроля в Республике Узбекистан в национальном законодательстве. Поэтапно анализируются реформы, направленные на развитие парламентаризма, сыгравшего ключевую роль в реформах в сфере государственного строительства и управления.

Ключевые слова: правовое государство, верховенство закона, парламент, парламентский контроль, общественный контроль, реформа, политическая система, избирательная система, социальная стабильность, правовые и конституционные нормы.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан буён ўтган давр мобайнида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш мақсадида мамлакат сиёсий тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Давлат ва жамият бошқаруви тизимидағи туб ўзгаришлар аввало жамиятнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи, қонун чиқарувчи орган миллий парламентнинг шаклланишини тақозо этади.

Парламент қонунчилик органи сифатида давлат ҳокимияти органлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидағи бошқа бўғинларга нисбатан ўзига хос хусусияти шундаки, парламент (халқ вакиллиги орқали) мамлакатнинг барча ижтимоий гуруҳлари ва аҳоли қатламлари манфаатлари ифодаланадиган; давлатда энг кўп талаб қилинадиган ғояларни амалга ошириш учун шароитлар яратилган (сиёсий партиялар орқали); мамлакатнинг ҳуқуқий базаси шаклланадиган (парламентнинг қонун чиқарувчи функцияси орқали); ижро ҳокимиятини чеклаш ва назорат қилишнинг тегишли механизмлари (парламентнинг

назорат функцияси орқали) мавжуд ягона коллегиал орган ҳисобланади [1.Б.7].

Ўзбекистонда давлат қурилиш ва бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларда асосий ўрин тутган парламентаризмни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни босқичларга бўлганда мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йилдан 2004 йилгача бўлган бир палатали парламентнинг шаклланиши, ривожланиши, фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилишини ўз ичига олган даврни шартли равишда биринчи босқич деб олишимиз мумкин. Иккинчи босқич мамлакатимизда икки палатали парламент шаклланиши хамда давлат ва жамият бошқарувига демократик тамойиллар изчил жорий қилинган 2005 –2016 йилларни қамраб олади. Учинчи босқич 2016 йилдан бошланиб, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш вазифаларини амалга оширишни назарда тутади.

Биринчи босқич ислоҳотларнинг (1991–2004) вазифалари:

- давлат бошқарув тизимини шакллантириб олиш;
- ҳокимиятни тармоқларга ажратиш асосида миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш;
- давлат қурилиши ва бошқаруви бўйича ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш;
- демократик сайлов тизимини шакллантириш;
- кўппартиявийликни шакллантириш;
- демократик сайлов тизими асосида парламентни шакллантиришдан иборат бўлди.

Конституция қабул қилингунига қадар Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида рўй берган ўзгаришларга асос соловчи, тизим ҳосил қилувчи қонунлар яратилди. 12-чақириқ Олий Кенгаш ўз фаолияти мобайнида 182 та қонун, 4 та кодекс, 509 та қарор қабул қилган [2.Б.65]. Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг ваколатларини белгиловчи қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида, Фуқаролар сайлов ҳукукларининг кафолатлари тўғрисида, Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида, Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари биринчи босқич ислоҳотларнинг дастлабки даври (1991–1995 йиллар) учун белгиланган вазифаларни амалга оширилишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизнинг мустақиллик Конституцияси (8.12.1992) давлат ва жамият тараққиётининг демократик тамойилларини ҳуқуқий мустаҳкамлаб,

ҳокимиятлар бўлиниш принципи нормаларини амалга киритди (11-модда) [3].

Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи эканлиги, ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Парламент назорати – бу мустақил ва қонуний, тизимли вакиллик органи фаолияти бўлиб, унинг палаталари, қўмита ва комиссиялари, палата аъзоларининг ижро ҳокимияти ва бошқа давлат органлари ва хўжалик бошқарув органларининг инсон ва фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда конституциявий ва жорий қонунларнинг ижросини назорат қилиш фаолияти ҳисобланади. Парламент назорати ҳукуматнинг бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларида, жорий масалалар бўйича ахборотида, парламент муҳокамаларида, депутатлар сўровлари ва бошқа шу кабиларда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назорат функцияси моҳиятини 1992 йил конституциясининг 78-моддасида мустаҳкамланган. Парламент назорат ваколатларининг конституциявий асослари Давлат бюджетини тасдиқлашда, унинг ижроси устидан назорат қилишда, тайинланадиган ва сайланадиган мансабдор шахсларнинг ахборотларини эшитиб боришда, ижро этувчи ҳокимият органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига сўров бериш ҳукуқида мужассамлашган. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини тасдиқлашга, тайинлашларга, сайлашларга, конституцияда назарда тутилган масалалар юзасидан тайинлашалар учун розилик бериш ваколатларини ҳам парламент назоратининг шаклларидан бири сифатида қўриш мумкин.

Олий Мажлиснинг назорат ваколатлари [Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида](#)”ги Қонунда, “[Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида](#)” ги Қонунда, Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низомда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Парламент ҳамда қўмита ва комиссияларнинг назоратни амалга ошириши билан боғлиқ тартиб-таомиллар Олий Мажлиснинг регламентида тартибга солинди.

“[Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида](#)”ги Қонуннинг (№2011-XII-сонли қонун, кучга кириш санаси 16.10.1994, хужжат кучини йўқотган сана 14.01.2005) 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бошқа хужжатларининг ижросини назорат қиласи” деб белгиланди. Қонунда қўмиталар ва комиссиялар қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини олиб бориши, Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ва тайёрлаши, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа хужжатларининг ижросини назорат қилишлиги (18-, 23-моддалар) белгиланган [4] . Қўмиталарнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, корхоналар муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа хужжатлари, қўмиталар тавсиялари бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиш амалиёти жорий қилинди. Қўмиталар қараб чиқилган масалалар юзасидан тавсия йўсинидаги қарор қабул қилишлари, ушбу қарорлар йўлланилган давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши шартлиги ва узоги билан бир ойлик муддатда хабар бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисидаги Қонунга (№66-І-сонли қонун, кучга кириш санаси 01.06.1995, хужжат кучини йўқотган сана 05.09.2019) асосан, депутатлар қонунлар ва давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларининг жойларда ижро этилишини назорат қиладилар. Депутатнинг сессияда Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, тегишли ҳокимият вакиллик органи қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқиш учун масалалар таклиф этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Парламент назоратининг анъанавий шакли бўлган Депутат сўрови [5] тушунчасига – сессияда давлат органлари ёхуд мансабдор шахсларга ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан расмий тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиб бериш ҳақида кўйилган талабдир деб, изоҳ берилди. Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутати қонун хужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятига ва бошқаруви маҳаллий органларига, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров киритиши, Вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати ҳокимга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимлик бўлимлари ва бошқармаларнинг раҳбарларига, шунингдек Кенгаш ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг регламентида (№49-І-сон, кучга кириш санаси 15.07.1995, хужжат кучини йўқотган сана 27.01.2005) XII- бобида Олий Мажлиснинг назорат қилиш соҳасидаги ваколатларини амалга ошириш тартиб-таомиллари очиб берилди. Жумладан, Олий Мажлис давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши, Олий Мажлис мансабдор шахсларнинг ҳисботини ёки ахборотини тинглаши мумкинлиги, Олий Мажлиснинг битта ёки бир гуруҳ депутати, қўмитаси, комиссияси, фракцияси ёки блоки мансабдор шахсларга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига республиканинг давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан расмий тушунтиришлар бериш ёки ўз муносабатини баён этишни талаб қилиб сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланди. Лекин қонун хужжатларида сўровларни тайёрлаш, бериш ва сўровлар бўйича иш олиб бориш билан боғлиқ барча тартиб-таомиллар норматив жиҳатдан етарлича тартибга солинмади.

Парламент назоратининг муҳим бўғини бўлган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти жорий қилинди. Анъанавий равишда омбудсман вакиллик органига таяниб, мансабдор шахслари ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ижро этувчи органлар устидан назоратни амалга оширади. 1997 йил 27 апрелда қабул қилинган “Олий мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун билан Вакил фаолияти унинг ҳуқуқий мақомига асосан ижтимоий муносабатларнинг давлат ва фуқаро, жамият ва шахсга тааллуқли муҳим соҳаларини қамраб олади. Омбудсман “инсон ҳуқуқлари соҳасида: а) давлат органлари; б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; в) корхонадлар, муассасалар, ташкилотлар; г) жамоат бирлашмалари; д) мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади” [6.Б.23].

Иккинчи босқич мамлакатимизда икки палатали парламент шаклланиши хамда давлат ва жамият бошқарувига демократик тамойиллар изчил жорий қилинган **2005- 2016** йилларни қамраб олади. 2005 йилда Олий Мажлис икки палатали тизим асосида шакллантирилди. Профессионал парламентни барпо этишдан мақсад:

биринчи – парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш;

иккинчи – Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган холда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини ошириш;

учинчи – Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, худудларнинг вакилларидан иборат бўлиши хамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш;

тўртинчи – аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришдан иборатdir [7.Б.13].

Доимий асосда ишловчи парламент ҳуқуқий давлат амал қилишининг асосий шарти ҳисобланади. 2003 йилдаги умумхалқ референдумида киритилган Конституцияга киритилган ўзгаришлар билан икки палатали парламентнинг ҳукуматни шакллантириш ва назорат қилиш борасидаги ваколатлари кенгайди. Конституцияда Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис олдидаги жавобгарлигини мустаҳкамловчи норма парламент назоратини таъминлашда муҳим омил бўлди. Олий Мажлис палаталари биргаликда Президент тақдимотига қўра Бош вазир номзодини қўриб чиқиши ва тасдиқлаш ваколатига эга бўлди. Давлат органлари раҳбарларини, суд тизими ва маҳсус хизматлар раҳбарларини, чет мамлакатлардаги ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш ва ишдан озод этиш каби Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўtkазилди. Сенатнинг мутлақ ваколатларига Бош прокурорни, Табиатни

муҳофаза қилиш қўмитаси раисини ва Марказий банк раисини эшитиш ҳамда амнистия актларини қабул қилиш киритилди [8].

Парламент назоратининг муҳим шакли сифатида Ҳисоб палатасининг ҳисботини кўриб чиқиш амалиёти жорий қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ишини профессионал асосда олиб бориши қонунчилик фаолияти сифатини оширди. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳамкорликдаги фаолияти умумдавлат ва ҳудудий манбаатларни мувофиқлаштириш имконини берди. Парламент фаолиятининг ҳамда давлат ҳокимиюти органлари мувозанатини таъминлаш тизимининг такомиллаштирилиши жамият сиёсий ҳаётининг фаоллашувига олиб келди.

Парламент назоратининг сифати ва самарадорлигини оширмай туриб қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг таъсирини кучайтириб бўлмайди. Шу сабаб, парламент назоратини такомиллаштириш мақсадида Конституциянинг 86- ва 87-моддалари билан Қонунчилик палатаси Спикерининг ва Сенат раисининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича ваколатлари мустаҳкамланди. 87-моддага асосан Олий мажлис қўмиталари муҳокамага киритиладиган масалаларни нафақат кўриб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида балки қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиш учун ҳам тузилиши белгиланди.

2010 йилда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” [9] парламент назоратини ривожлантириш бўйича ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Концепцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига бир қатор тузатишлар киритилди. Давлат қурилиши соҳасини қамраб олган бу тузатишлар парламент назоратини конституциявий-хуқуқий асосларини ҳамда қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизимини янада ривожланишига хизмат қилди. Мазкур тузатишларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти амалиётга киритилди. Парламентга мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисботларини эшитиш ва муҳокама қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид йиллик маърузасини кўриб чиқиш каби қўшимча назорат ваколатлари берилди [10]. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш мақсадида, маҳаллий ҳокимиятлар халқ депутатлари Кенгашига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисботлар тақдим этиш, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши белгиланди [11].

Учинчи босқич **2016** йилдан бошланиб, демократик ислоҳотларни чуқурлашириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш вазифаларини амалга оширишни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламент назорати фаолиятининг ҳуқуқий асослари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”, “Парламент назорати тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

2016 йилда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун [12] парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, парламент назорати субъектлари, обьекти, парламент назорати шакллари аниқ белгилаб берилган.

Қонунга мувофиқ Парламент назорати субъектлари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати;

Конунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари;

Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари;

Конунчилик палатаси депутатлари;

Сенат аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Қонуннинг 4-моддасига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати обьектиdir.

Парламент назорати шакллари қўйидагилардан иборат:

Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисботини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъruzасини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш;

Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли худудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалаларига доир ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

парламент текшируви. Парламент назорати қонунга мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиши жараёнида асосий эътибор давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилишга қаратилди. Мазкур демократик ислоҳотлар даврида парламент назоратини жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этади. Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан 2017 йил 12 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев парламент назорати объектларини кенгайтириш, “Ҳукумат соати” институтини жорий қилиш зарурлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурган эди [13]. Ҳаракатлар стратегияси мақсадларидан келиб чиқиб “Парламент назорати тўғрисида”ти Қонуни 2017-2021 йиллар

давомида парламент назоратининг амалий аҳамиятини кучайтирувчи нормалар билан тўлдирилди [14].

“Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79, 93, 98-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Конунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [15].

Мамлакат давлат бошқарувини такомиллаштиришда асосий эътибор хукуматнинг парламент олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, ҳокимиётларнинг бўлиниш ва ўзаро тийиб туриш принциплари асосида қонун чиқарувчи органнинг ваколатларини кенгайтириш, унинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ролини оширишга қаратилди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимиға биноан Конунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Президент томонидан тасдиқлаш тартиби белгиланди.

Хукумат аъзолигига кўрсатилган номзоднинг соҳани ривожлантириш бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини депутатларга тақдим этиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасида давлат бошқарув органлари мутассадиларининг ҳисботларини эшлиши бўйича “Хукумат соати” ташкил этилди.

Олий Мажлисни мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни амалга ошириш устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари янада кенгайтирилди. Сенатда Ўзбекистоннинг ҳорижий давлатлардаги элчилари ҳисботини эшлиши амалиёти йўлга қўйилди.

Жойлардаги реал холатни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун керакли чораларни кўриш, шунингдек мурожаатларни амалда кўриб чиқиши мақсадида парламентарийларнинг ўзи сайланган ҳудудга ҳар ойда ташриф буюриш амалиёти йўлга қўйилди.

Доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга бириктирилиб, ҳар ойда жойларга чиқиши ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессияларида иштирок этиши амалиёти жорий этилди.

Маҳаллий ижро органлари фаолияти устидан депутатлик назорати кучайтирилди, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий асосда ишлайдиган котибияти ташкил этилди. Вилоят, туман ва шаҳар миқёсидаги давлат бошқаруви органлари раҳбарлигига номзодлар тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган бўлди.

Олий Мажлис Конунчилик палатасида давлат бюджети устидан самарали парламент назоратини таъминлашда депутат ва сенаторларга

профессионал, мустақил ва холис ахборот-тахлилий, экспертлик хизмати кўрсатиш мақсадида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни тизимли ўзгартиришлар ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида сиёсий тизим ва унинг асосий элементларининг тегишли даражада ривожланишига эга бўлган реал тарихий шароит билан боғлиқликда амалга оширилди. Ислоҳотларнинг ҳар бир босқичи Ўзбекистонда демократик институтларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга ва ривожланган фуқаролик жамиятини шаклланишини таъминлашга қаратилган мувозанатли давлат аппарати тизимини яратилаётгандигини кўрсатиб берди. Ўз навбатида мамлакатдаги демократик ўзгартиришлар, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этишда парламентнинг ўрни, унинг назорат функциясининг самарали амалга оширилиши имкониятларини кенгайтирди.

Адабиётлар:

1. Р.Хакимов. Конституционно-правовой статус Олий Мажлиса Республики Ўзбекистон. Учебное пособие-Ташкент: ТГЮУ, 2020.-104 стр.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлисининг қабул қилинган қонунлари ва қарорлари тўғрисидаги маълумотнома.- Ўзбекистон Олий Мажлиси котибияти Юридик бўлимининг жорий архиви. 1998. 06-03-сон иш. 65-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243(494)-сон.
4. “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонуннинг (№2011-XII-сонли қонун, кучга кириш санаси 16.10.1994, хужжат кучини йўқотган сана 14.01.2005)[Интернет манба]. URL:lex.uz/docs/160213 (Мурожаат этилган сана: 15.07.2023)
5. Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисидаги Қонунга (№66-I-сонли қонун, кучга кириш санаси 01.06.1995, хужжат кучини йўқотган сана 05.09.2019) [Интернет манба]. URL:lex.uz/docs/114204 (Мурожаат этилган сана: 15.07.2023)
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. №4.23-б.
7. “Олий мажлиснинг инсон хуқуqlари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳлар. // Масъул мухаррир С.Ш.Рашидова.- Т.:Адолат. 1998. 138-б.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир / Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги нутқ // “Халқ сўзи”. 2005 йил, 29 январь.
9. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни №470-II. 24 апрель 2003 й.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №3-4. – Б.38
10. Ислом Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. Тошкент-“Ўзбекистон”-2010. 68-б

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси Қонуни №ЎРҚ-284-сон. 18.04.2011 й.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2011. №4. – Б.51
12. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси Қонуни №ЎРҚ-366-сон. 16.04.2014 й.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2014. №4. – Б. 44
13. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, -575-577 б.
14. Ўзбекистон Республикасининг Парламент назорати тўғрисидаги Қонуни <https://lex.uz/docs/2929477>
15. “Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Халқ сўзи” 2019 йил 6 март.

STAGES OF DEVELOPMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK OF THE INSTITUTE OF PARLIAMENTARY CONTROL

To‘lqin P. Karimov¹

Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Republic of Uzbekistan, Tashkent, 100035, str. Bunyodkor, 1 (Uzbekistan). E-mail: parliament.gov.uz/.

Keywords: legal state, the rule of law, parliament, parliamentary control, public control, reform, political system, electoral system, social stability, legal and constitutional norms.

The stages of development of the legal basis of the institution of parliamentary control in the Republic of Uzbekistan in the national legislation are highlighted.

Since Uzbekistan gained independence, large-scale reforms have been carried out in the political system of the country in order to build a democratic legal state and civil society. Fundamental changes in the system of government and society require the formation of a national parliament, a legislative body that provides the legal foundations of society.

If we divide the reforms aimed at the development of parliamentarism, which played a key role in the reforms in the field of state building and governance in Uzbekistan, into stages, then we can conditionally consider the first stage, which includes the formation, development and creation of the legal foundations of a unicameral parliament from 1991 to 2004 the years when our country gained independence. The second stage covers 2005-2016, when a bicameral parliament was formed in our country, democratic principles were consistently introduced into

the governance of the state and society. The third stage, starting from 2016, provides for the implementation of tasks to deepen democratic reforms and strengthen the role of parliament and political parties in the modernization of the country, the implementation of public control mechanisms.

Tasks of the first stage of reforms (1991-2004):

- formation of the public administration system;
- to lay the foundations of national statehood on the basis of the division of power into branches;
- creation of a legal framework for reforms in state building and management;
- formation of a democratic electoral system;
- formation of a multi-party system;
- was to form a parliament based on a democratic electoral system.

At the second stage of the reforms, a professional parliament was formed. The Parliament was given additional control powers, such as hearing and discussing the reports of the Prime Minister on current issues of the socio-economic development of the country, consideration of the annual report of the Cabinet of Ministers on the socio-economic life of the country.

When developing the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, the main attention was focused on the fundamental reform of the state and society. In improving public administration in the country, the main attention was paid to increasing the accountability of the government to parliament, expanding the powers of the legislature based on the principles of separation of powers and mutual restraint, and increasing its role in the political life of the country.

Each stage of the reforms has shown that a balanced system of the state apparatus is being created in Uzbekistan, aimed at increasing the efficiency of democratic institutions and ensuring the formation of a developed civil society.

References:

1.R.Xakimov. Kontitutsionno-pravovoy status Oliy Majlisa Respublikni O‘zbekiston. Uchebnoye posobiye-Tashkent: TGYUU, 2020.-104 str. 1. R. Khakimov. Constitutional and legal status of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Textbook - Tashkent: TSUL, 2020.-104 pp.

2. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashi va Oliy Majlisining qabul qilingan qonunlar va qarorlari to‘g‘risidagi malumotlar. - O‘zbekiston Oliy Majlisi Kotibiyati Yuridik bo‘limining amaldagi arxiv. 1998 yil. Ish № 06-03. 65-

Information on adopted laws and decisions of the Supreme Council and the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. - Current archive of the Legal Department of the Secretariat of the Oliy Majlis of Uzbekistan. 1998. Case No. 06-03. 65-s.

3. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. “Xalq so‘zi” gazetasi, 1992 yil 15dekabr, 243(494)-son. Constitution of the Republic of Uzbekistan. "Khalk Sozi" newspaper, December 15, 1992, No. 243(494).

4. “O‘zbekiston Respublikasining Oliy Majlisi to‘g‘risida”gi Qonunning (№2011-XII-sonli qonun, kuchga kirish sanasi 16.10.1994, hujjat kuchini yo‘qotgan sana 14.01.2005)[Internet

manba]. URL:lex.uz/docs/160213 (Murojaat etilgan sana: 15.07.2023) Law “On the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan” (Law No. 2011-XII, effective date 10/16/1994, date of invalidation of the document 01/14/2005) [Internet source]. URL: lex.uz/docs/160213 (date of application: 07/15/2023)

5. O‘zbekiston Respublikasida deputatlarning maqomi to‘g‘risidagi Qonunga (№66-I-sonli qonun, kuchga kirish sanasi 01.06.1995, hujjat kuchini yo‘qotgan sana 05.09.2019) [Internet manba]. URL:lex.uz/docs/114204 (Murojaat etilgan sana: 15.07.2023). Law on the status of deputies in the Republic of Uzbekistan (Law No. 66-I, effective date 06/01/1995, document expiration date 09/05/2019) [Internet source]. URL: lex.uz/docs/114204 (Date of application: 07/15/2023)

6. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 1995. №4.23-b.8. Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. 1995. No. 4.23-p.

7.“Oliy majlisning inson huquqlari bo‘yicha vakili (ombudsman) to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga sharhlar. // Mas‘ul muxarrir S.Sh.Rashidova.- T.:Adolat. 1998. 138-b. Comments on the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Commissioner for Human Rights (Ombudsman) of the Supreme Assembly.” // Executive editor S.Sh. Rashidova. - T.: Adolat. 1998. p. 138.

8.Karimov I.A. Bizning bosh maqsadimiz jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir / Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining 2005 yil 28 yanvarda bo‘lib o‘tgan qo‘shma majlisidagi nutq // “Xalq so‘zi”. 2005 yil, 29 yanvar. 8. Karimov I.A. Our main goal is democratization and renewal of society, modernization and reform of the country / Speech at a joint meeting of the Legislative Chamber and the Senate of the Oliy Majlis, held on January 28, 2005 // “People’s Word”. January 29, 2005

9.“O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasiga o‘zgartishlar va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida” gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni №470-II. 24 aprel 2003 y.// O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 2003. №3-4. – B.38. Law of the Republic of Uzbekistan No. 470-II “On introducing amendments and additions to the Constitution of the Republic of Uzbekistan.” April 24, 2003 // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. 2003. No. 3-4. - B.38

10. Islom Karimov. «Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiysi», O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisidagi ma’ruza, 2010 yil 12 noyabr. Toshkent-“O‘zbekiston”-2010. 68-b. Islam Karimov. “The concept of further deepening democratic reforms and the development of civil society in our country,” speech at a joint meeting of the Legislative Chamber and Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, November 12, 2010. Tashkent - "Uzbekistan" - 2010. page 68.

11. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasining ayrim moddalariga o‘zgartishlar va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida” (78, 80, 93, 96 va 98-moddalariga) O‘zbekiston Respublikasi Qonuni №O‘RQ-284-soni. 18.04.2011 y.// O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 2011. №4. – B.51. 11. On introducing amendments and additions to certain articles of the Constitution of the Republic of Uzbekistan (Articles 78, 80, 93, 96 and 98) of the Law of the Republic of Uzbekistan No. O'RQ-284. 04/18/2011//Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. 2011. No. 4. – B.51.

12. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasining ayrim moddalariga o‘zgartishlar va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida” (32, 78, 93, 98, 103 va 117-moddalariga) O‘zbekiston Respublikasi Qonuni №O‘RQ-366-soni. 16.04.2014 y.// O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 2014. №4. – B. 44. On introducing amendments and additions to certain articles of the Constitution of the Republic of Uzbekistan (Articles 32, 78, 93, 98, 103 and 117) of the Law of the Republic of Uzbekistan No. O'RQ-366-number. 04/16/2014 // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. 2014. No. 4. - B. 44.

13. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017, -575-577 b. 13. Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and take it to a new level. - Tashkent: NMIU “Uzbekistan”, 2017, -575-577 p.

14. O‘zbekiston Respublikasining Parlament nazorati to‘g‘risidagi Qonuni <https://lex.uz/docs/2929477>. (Murojaat etilgan sana: 15.07.2023). 14. Law of the Republic of Uzbekistan “On Parliamentary Control” <https://lex.uz/docs/2929477> (Date of application: 07/15/2023).

15. “Hukumatni shakllantirish tartibi demokratlashtirilishi va uning mas’uliyati kuchaytirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni. “Xalq so‘zi” 2019 yil 6 mart. 15. Law of the Republic of Uzbekistan “On introducing amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the democratization of the procedure for forming the government and strengthening its responsibility.” "People's Word" March 6, 2019.